

БИЛИНГВИЗМ ШАРОИТИДА ЛУҒАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ

С.Жалилов,
Нукус ДПИ Ўзбек тили кафедраси

П.Уразбаев,
Нукус ДПИ Ўзбек тили кафедраси

Лексикография тилшуносликнинг луғат тузиш жараёнини тартиблаштириб туриш билан шуғулланувчи алоҳида бир соҳасидир. Луғатлар муҳим ижтимоий вазифа бажаради. Улар кўзланган мақсади ва мўлжалига кўра бир қанча турларга бўлинади. Луғатлардан она тили ва бошқа тилларини пухта ўрганишда, сўзларнинг меъёрийлигини, маъноси ва этимологиясини билиб олишда, тиллараро фарқларни ажратиш каби жараёнларда беғараз кўмакчи сифатида фойдаланамиз. Луғатларга ҳатто яқин тиллар материалларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида ҳам эҳтиёж сезамиз. Тилшуносликда ноқардош тилларнинг у ёки бу жиҳатлари акс эттирилган, шунингдек алоҳида олинган соҳаларнинг луғатлари ҳам тузиб чиқилган.

Сўнгги йилларда дунёдаги туркий тилли халқларнинг ўзаро маданий, сиёсий алоқаларининг ривожланиши натижасида таржима луғатларга зарурат пайдо бўлди [2,3]. Галдаги вазифа сифатида туркий тилларнинг хусусиятларини ҳар томонлама акс эттирадиган луғатлар яратиш кун тартибда турибди дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» РҒ-6084-сон фармонда туркий тиллар бўйича ҳам луғатлар яратиш ишини тезлаштириш лозимлиги ҳақида кўрсатмалар бор. Ана шундан келиб чиқиб ўзбекча-қорақалпоқча ва қорақалпоқча-ўзбекча таржима луғати, сўзлашув-мулоқот луғати, соҳаларга оид асосий тушунчаларни ифодаловчи терминологик луғатлар яратиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан саналади.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бир қанча миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Республикада яшовчи икки миллионга яқин аҳолининг асосини қорақалпоқлар ташкил этади. Бундан ташқари, ҳудудда ўзбеклар, қozoқлар ва туркманлар, шунингдек бошқа миллат вакиллари ҳам умр гузаронлик қиладилар [1]. Улар маданий, маърифий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан тифиз алоқада. Қорақалпоғистонда беш тилда таълим-

тарбия ишлари олиб борилади ва вақтли матбуот нашрлари фаолият юритади. Худуддаги бир оилга мансуб бўлган туркий тиллар бугунги ривожланиш босқичида ҳам бир-бирини тўлдириб ва бойитиб бормоқда.

1989 йили давлат мақомини олган ўзбек ва қорақалпоқ тиллари ҳалқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий турмушида янада кенгроқ аҳамият касб этмоқда. Юртимизнинг мустақилликка эришуви, давлат тилларининг конституцияда қонуний асос этиши натижасида бу икки тил ёзма ва оғзаки шаклда турмушнинг барча жабҳаларида кенг қўллана бошлади. Натижада бу икки тилни пухта эгаллаш зарурати пайдо бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи миллат тилларида умумтуркий сўзлар ўзига хос фонетик хусусиятлар билан талаффуз қилинади. Шу билан бирга ҳар бир тилнинг ўзига хос луғат бойлиги мавжуд. Улар лексикасида араб, форс, тожик сўзларининг аввалдан ўзлашиб кетганлиги маълум. Аммо кейинги йилларда байналминал термин ва сўзларнинг ўрнига ўзбек тили кўплаб арабча ва форс-тожикча сўзларни қабул қилди. Ўз навбатида қорақалпоқ тилига ҳам ўзбек тили орқали бу сўзларнинг кириб келиш жараёнини кўриш мумкин.

1996-1997- ўқув йилидан бошлаб қорақалпоқ синфларида ўзбек тили ўзбек синфларида эса қорақалпоқ тили ўқитила бошлаган бўлса, турли маҳкама ва ташкилотларнинг номлари қорақалпоқ тили билан бирга ўзбек тилида ҳам ёзиб қўйиладиган бўлди. Иш юритиш ҳам икки тилда олиб борилади. Шу каби ҳолатлар қорақалпоқ тилига ўзбек тили таъсирининг кучайишига олиб келди.

Сўнгги йилларда қорақалпоқ тилига ўзбек тили орқали кўплаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий, қишлоқ хўжалигига оид, маънавий-маърифий, педагогик жараёнда қўлланиладиган таълим тизими ва бошқа соҳаларга оид жуда кўплаб терминлар кириб келди. Масалан, *ҳоким (ҳәким), ҳокимлик (ҳәкимлик), вазирлик (ўәзирлик), вилоят (ўалаят), маънавият (руўхыйлық, мәнаўият), фуқаро (пуқара), сўм, миллий валюта, ҳисоб варақаси (есап бети), алмашлаб экиш (алмастырып егиў), томчилаб суғориш (тамчылатып суўгарыў), иссиқхона (иссыхана), рейтинг назорати (рейтинг қадағалаўы), оралиқ баҳолаш (аралық баҳалаў), модулли таълим (модуллы тәлим)* ва ҳоказо. Бундай сўзларнинг аксарияти қорақалпоқ тилига ўзбек тилидан таржима қилиш орқали етказилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бундай жараёнда турли ҳужжатлар ва адабиётлардаги сўзлар ҳамма вақт ҳам тўғри таржима қилинган деб бўлмайди. Масалан, «Миллий мустақиллик мафкураси» (Асосий тушунча ва тамойиллар) китоби ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига таржима қилинди.

Мазкур китоб миллий мустақиллик ғоясини амалга оширишда барча фуқароларга асосий қўлланма ва дастуриламал сифатида тавсия қилинган. Китоб таржимасида айрим сўзларнинг қорақалпоқча муқобиллари ноўрин танланганлигини кўриш мумкин. Масалан: *жамоат-жамийетчилик, маърифий-билимданлық, беқиёс-уллы, онги-аңы* ва ҳоказо. Ёки бошқа бир матнларда ўзбек тилидаги *мулкдор* термини қорақалпоқча *мулкдар, мулк ийеси* икки хил шаклда, ўзбекча *шахсий, хусусий, якка* сўзларига қорақалпоқча *жеке* сўзи, ўзбекча *жисмоний шахс* терминига эса қорақалпоқ тилида *юримкалык шахс, юримкалык тарап* терминлари, ўзбекча *муносабат* сўзига эса қорақалпоқча *мунасибет, байланис, қатнасық* сўзлари муқобил сифатида ишлатилиб келмоқда. Ёки *хусусий корхона*ни *якка бошқариш* бирикмаси қорақалпоқ тилига *жеке кәрхананы жеке өзи басқарыў* шаклида мантиқсиз таржима берилган. Назаримизда, бу ифода «*Менишк кәрхананы жеке басқарыў*» тарзида берилса тўғрироқ бўларди. Бундай ҳолларда, яъни таржима қилишда тушунчанинг моҳиятини аниқ ифодалайдиган сўзни топиб ишлатиш мақсадга мувофиқ.

«Хусусий корхона ҳақида»ги қонуннинг кичик матнида шундай ифодани учратамиз. *Хусусий корхона мулкдори(!) корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди(!), хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади(!)*. Бу ўринда шуни айтиш мумкинки, ушбу матнининг ўзида сўз қўллаш билан боғлиқ ғализлик (манфаатларини ифодалайди, мол-мулкни тасарруф этади) мавжуд. Бундай ноўхшов тузилган матнни таржима қилиш таржимонни қийнаб қўяди. Энди унинг таржимасига эътибор қаратайлик. *Жеке кәрхананың менишк ийеси кәрхананы басшы сыпатында жеке өзи басқарады, оның атынан исеним қағазсыз жумыс алып барады, оның мандары есапланды, жеке кәрхананың ақша қаржыларына және басқа да мүлкине бийлик етеди*. Бизнингча, таржима анча мантиқли чиққан.

Ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос хусусияти сақланиши учун ўша тилдаги сўзларнинг бошқа туркий тиллардаги атамаларини билиш ва ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ушбу таъкидланган ҳолатларнинг барчаси алоҳида олинган соҳалар бўйича икки тилли таржима луғат тузишнинг муҳимлигини кўрсатади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. -Тошкент, 1997.
2. PF 6084. «Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini shakllantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida». Тошкент, 2020.

3. Allamberganovich, K. G. (2019). BILINGUALISM AND POLYLINGUALISM IN THE CASE OF THE LANGUAGES IN THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN. ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 8(9), 32-41.
4. Gulmurza, K. (2021). Synonymy in Uzbek and Karakalpak Phrases with the Concept of "Speech". American Journal of Social and Humanitarian Research, 2(6), 98-103.
5. Курбаниязов, Г. А. (2021). Қорақалпоғистондаги лисоний вазият. Тошкент: "Yosh avlod matbaa, 27-28.
6. Allamberganovich, K. G. (2021). Use of the kazakh language in karakalpakstan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(5), 279-284.
7. ДАВЛАТМУРОДОВ, И. (2021). УЛУҒБЕК ҲАМДАМНИНГ "ТЎЛИН ОЙ ҚИССАСИ" ҲИКОЯСИДА ЛИРО-РОМАНТИК ТАЛҚИН ЯХЛИТЛИГИ. ТА'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 1(5), 140-142.
8. Gulmirza, K., & Sadaddin, J. (2023). Amaliy o'zbek tili. Nukus "Nur-Turan-Print, 202.
9. Gulmirza, K., & Sadaddin, J. (2023). Practical Uzbek language. Nukus" Nur-Turan-Print.
10. Хусусий корхона ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. -Тошкент, 2003.
11. Xudayarova, M., & qizi Usanova, Q. M. (2023). O'ZBEK, RUS VA QORAQALPOQ TILLARIDA OTLARNING KELISHIK KATEGORIYALARI. CHIQUISH KELISHIGI QIYOSI. GOLDEN BRAIN, 1(4), 62-66.
12. Usanova, Q., & Xudayarova, M. (2023). O'ZBEK, RUS VA QORAQALPOQ TILLARIDA OTLARNING KELISHIK KATEGORIYALARINING QIYOSIY TADQIQI. Евразийский журнал математической теории и компьютерных наук, 3(6), 54-56.
13. Xudayarova, M., & Usanova, Q. (2023). "BOBURNOMA" –TARIXIY MANBA SIFATIDA. Академические исследования в современной науке, 2(4), 24-27.
14. Худаярова, М. Т., Буранова, Ш. М., Юсупова, Г. А., & Сапарова, А. З. (2021). Қорақалпоғистон Худудида Яшовчи Туркий Халқлар Тилидаги Таом Номларининг Лексик Қатламлари. BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI, 1(5), 25-32.
15. Xudayarova, M. (2020). Qoraqalpog'iston o'zbek shevalaridagi taom nomlarining o'ziga xos xususiyatlari. TDPU ILMIY AXBOROTLARI.
16. Tajimuratovna, X. M. (2024). QORAQALPOG' ISTON HUDUDIDAGI EKKLEZIONIMLARNING GRAMMATIK XUSUSIYATLARI. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(3), 179-183.
17. Usanova, Q., & Xudayarova, M. (2024). O'ZBEK, RUS VA QORAQALPOQ TILLARIDA FE'L SO'Z TURKUMI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 4(3), 25-27.